
МАҲАЛЛАЛАР РАИСЛИГИГА САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ!

Тошлоқ туманида мавжуд 51 та маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла раиси лавозими учун 158 нафар номзод кўрсатилган. Бугун туманнинг 5 та ҳудудида сайловлар ўтказилиб, фуқаролар вакиллари ўзлари муносиб деб билган номзодлар учун овоз берди.

Бугун соат 11:00 да туманимизнинг намунали маҳаллаларидан бири -«Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла раислигига сайлов ўтказилди. Ушбу маҳаллада 2756 нафар сайловчи мавжуд бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғини раислиги лавозимига иккита номзод кўрсатилган эди. Сайлов куни 211 нафар вакил ўзлари ишонган номзодни қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислигига сайлов - энг муҳим сиёсий тадбир! Сайловда муносиб номзодга овоз беринг

Тошлоқ туман ҳокимлиги ахборот хизмати

2022-05-16 19:40:00